

Агентлик бошлиғининг Фарғона вилоятида сайёр қабули

Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича давлат органлари масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрдаги 378-сонли «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни кучга кирди. Қонун ижросини таъминлаш доирасида ишлаб чиқилган Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг ҳудудий бошқармаларда жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадвалига асосан жорий йилнинг 23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари” йили деб эълон қилганлиги муносабати билан Агентлик бошлиғи В.Исмоилов Фарғона вилоятида юк ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган ташувчилар раҳбарлари ва тадбиркорлар билан сайёр қабул ўтказди.

Йиғилишни Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи А.Умирзақов очиб кун тартибини эълон қилгандан сўнг, сўз навбатини Агентлик бошлиғи В.Исмаиловга берди.

Агентлик бошлиғи йиғилиш қатнашчиларига автотранспорт соҳасини янада ривожлантириш, тадбиркорларга ва йўловчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ–2724-сонли “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йил 25 апрелда қабул қилинган “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида”ги 238-сонли қарорларини мазмун моҳиятини ҳамда ушбу қарорларни автотранспорт соҳаси ривожига катта ҳисса қўшиши кутилаётгани тўғрисида йиғилиш қатнашчиларига батафсил маълумот берди.

Сўнгра, Агентлик бошлиғи ташувчиларнинг бугунги кундаги иш фаолиятларида, юк ва йўловчи ташишда вужудга келаётган муаммоларни ва уларни бартараф қилиш учун таклифларни очиқ ойдин гаплашиб олиш учун йиғилганликларини айтиб, саволлар билан мурожаат этишларини маълум қилди.

Ўз навбатида, Гаипов Низомиддин, Фарғона шаҳар, 6-Сойбўйи МФЙ, Ёрмозор кўчаси 1 уй, “Зебунисо Файз инвест” МЧЖга қарашли “Фарғона автостанцияси” таъсисчиси, бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатмаётган автостанцияни фаолиятини бошлашга амалий ёрдам беришларини, Убайдуллаев Раҳматулло, Ўзбекистон тумани, Жангир қишлоғи, “Автоҳамкор Яйпан” МЧЖ, ҳаракат хавфсизлиги муҳандиси, тендер танловларида қатнашаётган айрим тадбиркорлар тендер таклифларида йўл кира нархларини арзон кўрсатиб, тендер ғолиби бўлаётганлиги ва шуни аниқ нархи белгиланишини, Камалов Адхам, Фарғона шаҳар, Фарғона кўчаси 6б-уйда фаолият кўрсатаётган “Фарғона Автохизмат” МЧЖ бош директори, вилоят йўловчи ташиш ишини бошқариш комиссиясининг иши тўғри ташкил қилинмаётганлиги, намунали хизмат кўрсатиб келаётган йўналишларни тендер битимларини узайтириб бериш тўғрисидаги хатлар ижобий ҳал қилинмай битимлар муддатларини узайтириб бермасдан, балки очиқ тендер танловига қўйилгани, комиссия томонидан тендер талаб ва

шартлари бажарилишини назорат қилмаётганлини, Садиқов Шукурулло, Марғилон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 630-уйда жойлашган, “Marg’ilon Real Trans” МЧЖ директори, ижара асосида олинган юк автомобилларини кунлик тўловлари корхоналарда ҳар хил миқдорни ташкил этилаётганини, баъзи корхоналарда ҳайдовчиларга тўлиқ ойлик маош бериш, солиқ тўловларини тўлаб бериш учун айрим корхоналар олаётган кунлик тўловлар етмаслигини айтиб ўтди. Якка тартибдаги тадбиркор Мехмонов Нодир, якка тартибдаги тадбиркорларга дизел ёқилғиси фонди ажратилмаётганлиги, “Қамчиқ” довонидан ишлаб чиқарилганига 15 йилдан ошган юк автомобилларини ўтишига рухсат берилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Сайёр йиғилишда тадбиркорлар томонидан берилган барча саволларга ва таклифларга Агентлик бошлиғи В.Исмоилов томонидан жавоб берилди.

Айтиб ўтиш жоизки, мана шундай очиқ ойдин тарзда ташкил этилаётган сайёр учрашувлар мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар, сифатли махсулотлар ишлаб чиқаришга берилаётган эътибор ва қулай ишбилармонлик муҳитини шакиллантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати